**Tuman (shahar)lardagi “Inson” ijtimoiy xizmatlar markazlarida faoliyat yurituvchi xodimlarning bilimini baholash uchun namunaviy savollari**

| № | Savollar |
|---|---|
| 1. | I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ишловчи шахсларга нисбатан қандай имтиёзлар бор? |
| 2. | 18 ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга нисбатан ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳимоя ордери бериладими? |
| 3. | 18 ёшгача бўлган болани ногиронлиги бўлган бола деб топиш ким томонидан амалга оширилади? |
| 4. | 2023 йил 15 октябрдан бошлаб талабгорларни ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш ёки бекор қилиш, шунингдек, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатига киритиш (ундан чиқариш) кимнинг қарорига асосан амалга оширилади? |
| 5. | 2024 йил 1 январдан бошлаб II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, даволаш муассасасининг хулосасига кўра ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатлари ким томонидан ва қанча муддатда ўрганилади? |
| 6. | 2024 йил 20 февраль кунида давлат раҳбари бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ижтимоий ҳимоя соҳасида хизматлар қамровини ошириш мақсадида қандай устувор вазифалар белгилаб олинди? |
| 7. | 2024 йил мамлакатимизда қандай йил деб эълон қилинди? |
| 8. | Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар ўтказиш, ижтимоий ҳимояга муҳтожликнинг бирламчи сабабларини таҳлил қилиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш бўйича илмий асослантирилган самарали ва истиқболли таклифлар ишлаб чиқиш бўйича давлат муассасаси қайси? |
| 9. | Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига йўллаш бўйича комиссия қандай номланади? |
| 10. | Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларга йўллаш бўйича комиссия қандай номланади? |
| 11. | Аноним мурожаат деб қандай мурожаатга айтилади? |
| 12. | Ариза берувчи ёки унинг оила аъзолари фойдаланувида бўлган ёхуд ишончномага асосан ишлаб чиқарилган муддати неча йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган енгил автотранспорт воситаси бўлганда болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш рад этилади? |
| 13. | Аёллар дафтари нима? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 14. | Аёллар дафтарига неча ёшдан ва қайси тоифадаги хотин-қизлар киритилади? |
| 15. | Аёлларга нисбатан жисмоний зўравонлик ҳақида гапириб беринг? |
| 16. | Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича марказнинг вазифалари ҳақида гапириб беринг? |
| 17. | Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларида ёрдам кўрсатилган ҳамда ҳимоя ордери берилган шахслар ижтимоий ходимлар томонидан неча ой давомида мониторинг қилинади? |
| 18. | Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари мурожаат қилган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига қандай хизмат кўрсатилади? |
| 19. | Бартель шкаласи ҳақида маълумот беринг? |
| 20. | Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳақида биласизми? |
| 21. | Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунига мувофиқ ижтимоий ёрдам қандай тоифадаги болаларга тайинланади? |
| 22. | Бола туғилганда бериладиган суюнчи пули миқдори қанча? |
| 23. | Болага нисбатан руҳий (ҳиссий) зўравонликка нима киради? |
| 24. | Болалар нафақаси тайинланган оилада янги фарзанд туғилса, қайта яна маҳаллага мурожаат қилиши мумкинми? |
| 25. | Болалар нафақаси тўлов муддати тугагандан кейин яна давом эттиришга қачон мурожаат қилиш мумкин? |
| 26. | Болалар нафақаси учун онлайн ариза бериш қачон ва қандай тартибда амалга оширилади? |
| 27. | Болалар нафақаси ва моддий ёрдам қанча муддатга тайинланади? |
| 28. | Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинланиш юзасидан қаерга мурожаат қилинади? |
| 29. | Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланган оилаларнинг асл ҳолатини жойига чиққан ҳолда ўрганишда қайси мутасадди ходимлар ташриф буюради? |
| 30. | Болалар нафақаси ёки моддий ёрдамга ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг тижорат банкларидаги депозит ҳисоб варақларида ариза берилган ойда қанча миқдорда маблағлари мавжуд бўлганда рад этилади? |
| 31. | Болалар учун инклюзив таълим қандай ташкил этилади? |
| 32. | Болаларга нисбатан зўравонлик шаклларини санаб беринг? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 33. | Болаларини қариндоши қарамоғида қолдириб, хорижда ишлаётган фуқаролар номидан қариндошлари ижтимоий ходимларга ариза беришлари мумкинми? |
| 34. | Болаларни ногирон деб топиш тартиби ҳақида маълумот беринг? |
| 35. | Болани патронатга олган тутинган ота-оналар учун тўланадиган нафақа миқдори қанча? |
| 36. | Боланинг қонуний вакиллари томонидан психологик-тиббий-педагогик комиссияларнинг хулосасини олиш бўйича аризалар кимга тақдим этилади? |
| 37. | Боқувчисини йўқотганлик нафақаси кимларга тайинланади? |
| 38. | Боқувчисини йўқотганлик нафақаси қайси холларда қайта ҳисобланади? |
| 39. | Бугунги кунда болалар нафақаси ва моддий ёрдам нафақаси тайинлаш учун белгиланган мезон яъни минимал истеъмол харажатлари миқдори қанча? |
| 40. | Бугунги кунда муҳтож шахсларни протез ва реабилитация воситалари билан таъминлаш қайси ҳужжатга асосан амалга оширилмоқда? |
| 41. | Дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети кимларга берилади? |
| 42. | Давлат томонидан аҳолини манзилли ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари қайсилар? |
| 43. | Давлат томонидан кафолатланган тарзда таъминланадиган протез-артопедия мосламалари ва реабилитация қилиш техник воситалари турлари нечта? |
| 44. | Дискриминацияга тариф беринг? |
| 45. | Эмансипация нима? |
| 46. | Эшитиш мосламасининг кафолат ва фойдаланиш муддати қанча? |
| 47. | Этим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар “Меҳр дафтари”га кимнинг қарори асосида киритилади ва ундан чиқарилади? |
| 48. | Фуқаролардан кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш бўйича аризаларни қабул қилиш ваколати кимга берилган? |
| 49. | Ғамхўрлик гуруҳининг асосий вазифаларини айтиб беринг. |
| 50. | Гендер сиёсати ҳақида гапириб беринг? |
| 51. | Гиёҳвандлик бўйича тиббий кўрикдан ва текширувдан ўтказиш тартиби қандай? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 52. | Ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф мавжуд бўлган болалар аниқланганда ижтимоий ходим қандай ижтимоий хизматни амалга оширади? |
| 53. | Ҳимоя ордери нима? |
| 54. | Ҳимоя ордери қайси ҳолатда ва қанча муддатда берилади? |
| 55. | Ҳомийлик нима? |
| 56. | Ҳомийлик қайси тоифадаги болаларга белгиланади? |
| 57. | I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга Давлат хизматлари марказлари орқали давлат хизматларини кўрсатишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа тўловлар бўйича неча фоиз миқдорда чегирма қўллаш амалиётга жорий этилган? |
| 58. | I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ишловчи шахсларга нисбатан қандай имтиёзлар бор? |
| 59. | Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларида алоҳида вақтинчалик бошпаналар (шелтерлар)га жойлаштириш кимнинг қарори асосида амалга оширилади? |
| 60. | Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига йўналтириладиган шахслар тўғрисидаги маълумот профилактика инспектори томонидан қайси ташкилотга хабар берилади? |
| 61. | Ижтимоий аралашув нима? |
| 62. | Ижтимоий давлат деганда нимани тушунасиз? |
| 63. | Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги Санаторийларга соғломлаштириш учун йўлланмалар неччи кунга берилади? |
| 64. | Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимига ўтказилган нафақа тўловлари ҳақида биласизми? |
| 65. | Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан вазирлик ва идораларнинг мувофиқлаштириладиган ва мониторинг қилинадиган фаолият йўналишлари сони нечта ва улар ҳақида биласизми? |
| 66. | Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг асосий фаолият йўналишлари қайсилар? |
| 67. | Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг асосий фаолият йўналишлари қайси? |
| 68. | Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг саккизта асосий устувор фаолият йўналишларини санаб беринг? |
| 69. | Ижтимоий ҳимоя нима? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 70. | Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими Агентлик тасарруфига қачон ўтказилди? |
| 71. | Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятларини баҳолаш орқали уларга индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режаларини ишлаб чиқиш кимга юклатилган? |
| 72. | Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар кимлар? |
| 73. | Ижтимоий иш нима? |
| 74. | Ижтимоий иш қайси тамойилларга асосланади? |
| 75. | Ижтимоий иш юритишнинг босқиларини қайсилар? |
| 76. | Ижтимоий ишда ахлоқий қадриятларга нималар киради? |
| 77. | Ижтимоий нафақа деганда нимани тушунасиз? |
| 78. | Ижтимоий нафақа ва ижтимоий пенсия тушунчаларига таъриф беринг? |
| 79. | Ижтимоий нафақалар ва хизматлар нима? |
| 80. | Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказида қандай ижтимоий хизматлар кўрсатилади? |
| 81. | Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказидан чиқаришда васийликка олинган шахсга бериладиган ҳужжатлар қайсилар? |
| 82. | Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига кимлар қабул қилинади? |
| 83. | Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига қайси тоифадаги шахслар қабул қилинади? |
| 84. | Ижтимоий шериклик – нима? |
| 85. | Ижтимоий соҳани ягона ёндашув асосида ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этган асос нима деб ўйлайсиз? |
| 86. | Ижтимоий стигма иборасига тариф беринг? |
| 87. | Ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси кимларга тайинланади? |
| 88. | Ижтимоий уй-жой (квартира) нима? |
| 89. | Ижтимоий ходимнинг роли деганда нимани тушунасиз? |
| 90. | Ижтимоий хизмат ва ёрдам деганда нимани тушунасиз? |
| 91. | Ижтимоий хизматлар соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларига нималар киради? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 92. | Ижтимоий хизматларнинг асосий принциплари нималардан иборат? |
| 93. | Ижтимоий хизматларнинг мониторинги нима учун ўтказилади? |
| 94. | Ижтимоий хизматнинг қандай турлари мавжуд? |
| 95. | Ижтимоий ходим ассистенти ким? |
| 96. | Ижтимоий ходим ассистенти томонидан ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга маиший хизмат кўрсатиш ҳолатини кимлар мониторинг қилади? |
| 97. | Ижтимоий ходим ассистенти томонидан ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга қандай хизматлар кўрсатилади? |
| 98. | Ижтимоий ходим фаолиятига нисбатан қандай чекловлар мавжуд? |
| 99. | Ижтимоий ходим ҳоким ёрдамчиси билан қандай ҳамкорлик ишларини олиб боради? |
| 100. | Ижтимоий ходим ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг муаммоларини бартараф этишда кимлар билан ҳамкорликни амалга оширади? |
| 101. | Ижтимоий ходим ким? |
| 102. | Ижтимоий ходим маҳалла раиси билан қандай ҳамкорлик ишларини олиб боради? |
| 103. | Ижтимоий ходим ўзи юритаётган ижтимоий иш бўйича фуқаролар маълумотларини кимлар (учинчи шахслар) билан бўлишиши мумкин? |
| 104. | Ижтимоий ходим қандай вазифаларни бажаради? |
| 105. | Ижтимоий ходим қайси аҳоли гуруҳлари билан ижтимоий иш олиб боради? |
| 106. | Ижтимоий ходим томонидан “қонунчилик ҳужжатларида бепул берилиши назарда тутилган дори-дармон билан таъминлаш ишларини ташкил этиш” хизмати қандай тоифадаги шахсларга кўрсатилади? |
| 107. | Ижтимоий ходим хотин қизлар фаоли билан қандай ҳамкорлик ишларини олиб боради? |
| 108. | Ижтимоий ходимлар ассистентларининг “соатбай” асосда ҳафтанинг барча кунлари хизмат кўрсатиши учун қонунчиликка мувофиқ мослашувчан иш тартиби қачондан  жорий этилди? |
| 109. | Ижтимоий ходимлар ассистентларининг асосий вазифалари нималардан иборат? |
| 110. | Ижтимоий ходимлар қайси ресурсларга кўпроқ эътибор қаратади? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 111. | Ижтимоий ходимлар томонидан Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар турларини cананг? |
| 112. | Ижтимоий ходимлар томонидан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар ҳақида гапириб беринг? |
| 113. | Ижтимоий ходимлар томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмасдан фарзандлари олиб кетилган ота-оналарга кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар белгиланг? |
| 114. | Ижтимоий ходимларнинг ижтимоий иш жараёнидаги индивидуал хизматлар режаси қайси ходим томонидан тасдиқланади? |
| 115. | Имтиёзли тоифадаги шахсларнинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлари қайси манбалар ҳисобидан молиялаштирилади? |
| 116. | Инклюзив таълим нима? |
| 117. | Инсон ижтимоий хизматлар маркази томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оилалардаги болалар бўйича қандай хизматлар амалга оширилади? |
| 118. | Инсон ижтимоий хизматлар марказлари тазйиқ ва зўравонлик масалалари бўйича жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида мутахассис сифатида судда вакиллик қилишда ҳамкор ташкилот қайси? |
| 119. | Инсон қадри тушунчасига изоҳ беринг? |
| 120. | Иш стажи етарли бўлмаса ҳам пенсия тайинланадими? |
| 121. | Ишсизлик нафақаси тўлашни тўхтатиб туриш асослари қандай? |
| 122. | Ихтисослаштирилган давлат мактабгача ташкилотига қайси ёшдаги тарбияланувчилар қабул қилинади? |
| 123. | Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қайси ёшдан қабул қилинади? |
| 124. | Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, уларнинг фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш кимнинг ваколатига ? |
| 125. | Кам таъминланган деб эътироф этилган оила бу тўғрисидаги маълумотнома қаси ташкилотдан олиши мумкин? |
| 126. | Кам таъминланган оила деб кимлар эътироф этилади? |
| 127. | Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам қанча муддатга тайинланади? |
| 128. | Кар соқовлар билан имо-ишора тилида таржима қилиш усули қандай таржима тури дейилади? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 129. | Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш қайси тоифадаги шахсларга биринчи навбатда берилади? |
| 130. | Кимларга озиқ-овқат ва коммунал тўловлар учун компенсация берилади? |
| 131. | Кимларга парваришлаш нафақаси тайинланади? |
| 132. | Маҳалла еттилиги таркибини санаб беринг? |
| 133. | Маҳалла еттилигининг вазифалари ҳақида айтиб беринг |
| 134. | Маҳаллада профессионал ижтимоий ишни йўлга қўйиш орқали ногиронлиги бўлган шахслар ва болаларга қандай хизматлар кўрсатиш режалаштирилган? |
| 135. | Маҳалладаги ижтимоий ходимлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларининг камида 20 фоизи ким томонидан киритилган тақдимнома асосида белгиланади? |
| 136. | Маҳаллалардаги ижтимоий ходимларнинг вазифалари нималардан иборат? |
| 137. | Маҳалла еттилигига ким бошчилик қилади? |
| 138. | Махсус таълимга эҳтиёжи мавжуд бўлган болаларни таълимнинг муқобил шаклларига йўналтириш бўйича хулоса ким томонидан берилади? |
| 139. | Меҳр дафтаридан неча ёшда чиқарилади ? |
| 140. | Меҳр дафтари жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари нималар? |
| 141. | Меҳр дафтари нима |
| 142. | Меҳр дафтаридан қайси тоифадаги аҳоли гуруҳига ёрдам кўрсатилади? |
| 143. | Меҳр ва саховат куни ҳақида нималарни биласиз? |
| 144. | Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни вақтинчалик шелтрларга жойлаштириш ваколати кимларга берилган? |
| 145. | Муайян яшаш жойига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини Агентлик ҳузуридаги уй-жой фондига эга бўлган муассасаларга олти ой муддатгача вақтинча рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқи кимларга берилган? |
| 146. | Мураккаб ортопед пойабзал ва протезга пойабзалининг кафолат ва фойдаланиш муддати қанча? |
| 147. | Мурожаатларнинг қандай шакллари ва турлари мавжуд? |
| 148. | Мурожаатнинг дубликати деб қандай мурожаатга айтилади? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 149. | Нафақа нима? |
| 150. | Нафақа турларини санаб беринг? |
| 151. | Нафақаларни тайинлашда иштирок этадиган ваколатли органларни сананг? |
| 152. | Нима учун ОИВ билан яшовчи одамларга психо ижтимоий ёрдам бериш керак? |
| 153. | Нодавлат таълим ташкилотлари ногиронлиги бўлган шахсларни (болаларни) ўқитганлик учун тўлов бўйича имтиёзлар белгилашга ҳақлими? |
| 154. | Ногиронлиги бўлган шахслар учун мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари тўғрисидаги тавсиянома ким томонидан берилади? |
| 155. | Ногиронлиги бўлган шахс бу… |
| 156. | Ногиронлиги бўлган шахслар ва болалар учун протез ортопедик мосламаларга ва реабилитация техник воситаларига ким томондан тавсия берилади? |
| 157. | Ногиронлиги бўлган шахсларга ва болаларга меҳнат фаолияти ва параспорт билан шуғулланишига ким томондан тавсия берилади? |
| 158. | Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг мақсади нима? |
| 159. | Ногиронлиги бўлган ёшларга ўқиш, яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби қандай? |
| 160. | Ногиронлиги бўлган шахслар давлат органларига жамоа бўлиб мурожаат қилиш ҳуқуқига эгами? |
| 161. | Ногиронлиги бўлган шахслар учун олий таълим муассасаларида қанча миқдорида қўшимча қабул квотаси ажратилади? |
| 162. | Ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча квота асосида олий таълим муассасаларига қабул қилиш қандай шаклда амалга оширилади? |
| 163. | Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглиги принципи нима? |
| 164. | Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатда кўрсатилган? |
| 165. | Ногиронлиги мавжуд аҳоли соғлигини тиклаш учун қандай имтиёзларга эга? |
| 166. | Ногиронлик аравачаларидан фойдаланиш муддати қанча? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 167. | Ногиронлик нафақасини кимлар олиш ҳуқуқига эга? |
| 168. | Нуқсонлари мавжуд 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун ихтисослаштирилган кўп тармоқли мактабгача таълим ташкилотида қандай гуруҳлар ташкил этилган? |
| 169. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-82-сонли Фармони асосида ҳафтанинг жума куни қандай кун деб белгиланди? |
| 170. | Ўзбекистон Республикасида қайси йил "Ижтимоий ҳимоя йили" деб номланган? |
| 171. | Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз фуқаролар рўйхатига кимлар киритилади? |
| 172. | Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кекса, ёлғиз яшовчи ва ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш қайси ваколатли орган қарорига асосан амалга оширилади? |
| 173. | Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар (ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар) кимлар? |
| 174. | Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларидаги ижтимоий ходимлар томонидан қандай турдаги хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилади? |
| 175. | Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар қандай аниқланади? |
| 176. | Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ва ёлғиз яшовчи кексалар қанча муддатда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади? |
| 177. | Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ва ёлғиз яшовчи кексаларга кимлар уйида маиший хизмат кўрсатади? |
| 178. | Ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой қандай тартибда ажратилади? |
| 179. | Оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилаларга бевосита маҳалла даражасида комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатиш кимнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланган? |
| 180. | Оғир ижтимоий ҳолат деганда нима тушунасиз? |
| 181. | Оила кодексининг 196-моддасига мувофиқ, болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги битимларни бекор қилишга оид низолар қандай тартибда ҳал қилинади? |
| 182. | Оила ёки шахснинг ҳолатини баҳолашда қандай усуллардан фойдаланиш мумкин? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 183. | Оилани “Ягона реестр” АТ “кам таъминланган” деб эътироф этиш учун қандай иқтисодий мезонларга эътибор қаратилади? |
| 184. | Оилавий болалар уйи ким томонидан ташкил этилади ва тугатилади? |
| 185. | Оилавий болалар уйи нима? |
| 186. | Оилавий болалар уйидаги болаларнинг, шу жумладан, номзодларнинг қарамоғида бўлган ўзининг ва фарзандликка олган болаларининг умумий сони неча нафардан ошмаслиги кераклиги айтиб ўтилган |
| 187. | Оилавий болалар уйига нечтагача фарзанд олиш мумкин? |
| 188. | Оилавий болалар уйига тарбияга олинган ҳар бир ногиронлиги бўлган боланинг даволаш-соғломлаштириш харажатларига ҳар ойда қанча маблағ тўланди ? |
| 189. | Оилавий болалар уйларини ташкил этиш учун тутинган ота-оналарни тайёрлаш курслари қачон ва қайси ташкилот томонидан ташкил этилади? |
| 190. | Оилавий болалар уйларининг асосий вазифалари нималардан иборат? |
| 191. | Оилавий низо ва ажралишлардан ким кўпроқ азоб чекади? |
| 192. | Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ким? |
| 193. | Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш юзасидан қарор қайси ваколатли орган томонидан қабул қилинади? |
| 194. | Ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар кимлар ? |
| 195. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги ПФ–82-сон Фармонига кўра “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими қайси ташкилот тасаррруфига ўтказилади? |
| 196. | Пенсия билан нафақани бир-биридан фарқи? |
| 197. | Пенсия миқдори нимага боғлиқ? |
| 198. | Протез мосламалари қанча муддатга берилади? |
| 199. | Протез ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари қандай тартибда берилади? |
| 200. | Протез ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари кимларга берилади? |
| 201. | Протез-ортопедия мосламалари ҳақида биласизми? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 202. | Протез-ортопедия мосламалари турларини санаб беринг? |
| 203. | Протез-ортопедия мосламаларига нималар киради? |
| 204. | Психологик-тиббий-педагогик комиссиялар таркиби ҳар йили қайси санага қадар тузилади ва тасдиқланади? |
| 205. | ПТПК (Психологик-тиббий-педагогик комиссия ) хулосасини олиш учун боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан аризалар қаерга ёки кимга тақдим этилади ? |
| 206. | Қачондан бошлаб кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун онлайн ариза бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш йўлга қўйилиш белгиланган? |
| 207. | Қанча муддатга ота-онасининг ҳар иккиси (ёки тўлиқ бўлмаган оилалар бўйича отаси ёки онаси) чет элга кетган болаларни аниқлаши ҳамда маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига юборилиши керак? |
| 208. | Қандай ҳолатларда фуқаро муомалага лаёқатсиз деб топилади? |
| 209. | Қандай мурожаатларни кўриб чиқиш тугатилади? |
| 210. | Қандай ҳолатларда Оилавий болалар уйига янги болалар олишга йўл қўйилмайди? |
| 211. | Қандай ҳолатларда вояга етмаганлар тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин? |
| 212. | Қайси давлат биринчи марта ижтимоий иш ва ижтимоий педагогика соҳасида илмий асосда кадрлар тайёрлашни бошлаган? |
| 213. | Қайси меъёрий ҳуқуқий ҳужжатда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг тоифалари келтирилган? |
| 214. | Қайси ташкилот тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва болалар билан ишлаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади? |
| 215. | Қайта ўрганилганлиги сабабли нафақаси тўхтатилган оилалар кейинчалик оиланинг иқтисодий аҳволи пасайиши сабабли болалар нафақаси ёки моддий ёрдамга қайта мурожаат қилишлари мумкинми? |
| 216. | Қўл ва оёқ протезлари фойдаланиш муддати қанча? |
| 217. | Реабилитация нима? |
| 218. | Реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури нималарни ўз ичига олади? |
| 219. | Санаторияга йўлланма олган фуқаро неча кун ичида санаторияга бормаса йўлланмаси бекор қилинади ? |
| 220. | Санаторийларда даволаниш учун қайси тоифадаги Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга уч йилда бир маротаба йўлланмалар берилади? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 221. | Шахсинг кучли, шиддатли эмоцияси туфайли ўзини онгли бошқара олмаслик ҳолатини нима дейилади? |
| 222. | Шахсни ногиронлиги бўлган шахс деб топиш ким томонидан амалга оширилади ва ногиронлик гуруҳлари ҳақида гапириб беринг? |
| 223. | Шелтерлар-деганда нимани тушунасиз? |
| 224. | Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан чин етим тоифасига кирувчи шахсларга қандай ижтимоий хизматлар кўрсатилади? |
| 225. | Супервизия қилиш деганда нимани тушунасиз? |
| 226. | Сурдо таржимон ким? |
| 227. | Сурдотехника воситалари ҳақида биласизми? |
| 228. | Таълим муассасаларида таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уларнинг шахсий харажатлари учун қанча миқдорда пул маблағи тўланади? |
| 229. | Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабрланганларга қандай ижтимоий ёрдам кўрсатилди? |
| 230. | Тайм-менежмент ҳақида тушунчага эгамисиз? |
| 231. | Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва болалар билан ишлаш бўйича ваколатли орган қайси? |
| 232. | Темир дафтарда турган фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш қай тартибда амалга оширилади? |
| 233. | Темир дафтарга кимлар киритилади? |
| 234. | Туну-кун фаолият кўрсатувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ишонч телефони рақами қайси? |
| 235. | Тутинган ота-оналарга оилавий болалар уйидаги ҳар бир тарбияланувчи боланинг яшаш харажатлари учун ҳар ойда қанча маблағ ажратилади ? |
| 236. | UNICEF haqida nimani bilasiz? |
| 237. | Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика Ижтимоий қўллаб-кувватлаш марказига яна қайси тоифадаги шахслар қабул қилинади? |
| 238. | Уйда кўрсатиладиган ижтимоий хизматларга нималар киради? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 239. | Уй-жойга муҳтож бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан  маҳрум бўлган болалар ким томонидан қайси электрон платформа орқали онлайн навбатга қўйилади? |
| 240. | Васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилишини ким назорат қилади |
| 241. | Васийлик кимларга нисбатан тайинланади? |
| 242. | Васийлик неча ёш ҳомийлик неча ёшгача белгиланади? |
| 243. | Васийлик нима мақсадда тайинланади? |
| 244. | Васийлик нима? |
| 245. | Васийлик қайси тоифадаги болларга нисбатан белгиланади? |
| 246. | Васийлик ва ҳомийликка ҳамда оилавий болалар уйига берилган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, уларнинг турмуш шароитларини мониторинг қилиш ким томондан амалга оширилади? |
| 247. | Васийлик ва ҳомийликнинг асосий принциплари? |
| 248. | Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 октябрдаги 539-сон қарорига кўра “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар кўрсатадиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар нималардан иборат? |
| 249. | Вазирлик ва идораларнинг Агентлик томонидан мувофиқлаштириладиган ва мониторинг қилинадиган фаолият йўналишларидаги ходимлари учун уч йилда камида бир марта тўлов-шартнома асосида мажбурий малака ошириш курслари қачон ва қайси ташкилот томонидан ташкил этилади? |
| 250. | Вазирлик ва идораларнинг мувофиқлаштириладиган ҳамда мониторинг қилинадиган фаолият йўналишларидаги ходимлари малакасини ошириш учун ҳамда оилавий болалар уйларини ташкил этиш учун тутинган ота-оналарни тайёрлаш курсларини ташкил этиш бўйича масъул давлат муассасаси қайси? |
| 251. | Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ким томонидан амалга оширилади ? |
| 252. | Хатар омилларини таърифлаб беринг? |
| 253. | Хотин-қизларга нисбатан иқтисодий зўравонлик атамасига таъриф бера оласизми? |
| 254. | Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш халқаро куни қачон нишонланади? |
| 255. | Ягона миллий ижтимоий ҳимоя ахборот тизими нима? |

| № | Savollar |
|---|---|
| 256. | Ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб беришда “Темир дафтар”га киритилган имтиёзли тоифадаги шахслар учун бир марталик тўлов қайси жамғарма ҳисобидан молиялаштирилади? |
| 257. | Етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайдиган ва уларнинг ҳисобини юритадиган орган? |
| 258. | Етим ва ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга талабалик даврида стипендия қанча миқдорда тўланади? |
| 259. | Йўл инфратузилмасининг ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайлиги бўйича 2 та мисол айтинг? |
| 260. | Ёлғиз кекса ёки ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсни реестрдан чиқариш қандай ҳолатларда амалга оширилади? |
| 261. | Ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар қайси шкала асосида баҳоланади? |
| 262. | Ёлғиз ва ўзгалар парваришига муҳтож кексаларга қандай ёрдам ва хизматлар кўрсатилиши мумкин? |
| 263. | Ёлғиз яшайдиган ҳамда ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс Бартель ва Лаутон шкаласи бўйича неча балдан ортиқ бал тўпласа унга ижтимоий хизмат бириктирилиши рад этилади? |
| 264. | Ёлғиз яшайдиган ҳамда ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс соғлиғининг ҳолатини баҳолаш жараёнида нималар ўрганилади? |
| 265. | Ёлғиз яшайдиган ҳамда ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахснинг ҳаётий вазиятини баҳолашда нималар назарда тутилади? |
| 266. | Ёлғиз яшайдиган ҳамда ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахснинг уй-жой-маиший шароитларини баҳолаш жараёнида нималар ўрганилади? |
| 267. | Ёлғиз яшайдиган ҳамда ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахснинг яшаш ҳолати қай тартибда баҳоланади? |
| 268. | Ёлғиз яшайдиган ҳамда ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс аниқланган тақдирда биринчи ҳаракат қандай бўлиши керак? |
| 269. | Ёшга доир нафақа (пенсия эмас) кимларга тайинланади? |
| 270. | Ёшга доир пенсияга аёллар неча ёшдан чиқишади? |
| 271. | Ёшга доир пенсияга эркаклар неча ёшдан чиқишади? |
| 272. | Зарур ҳолларда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс номидан сўровнома (ариза) киритиш йўли билан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар сони нечта? |
| 273. | Зўравонлик қандай шаклларда рўй бериши мумкин? |